



Иргашев Шухрат Боисович, Файзиева Нозима Нуриллаевна, Мамадалиева Ўлмас Ибрагимовна,  
Туляганова Камола Абдурашидовна, Алимова Дилзода Ибрагимовна  
Тиббиет ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

## **ВОПРОСЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЦЕННОСТЕЙ ЗДОРОВОЙ СКМЬИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

Иргашев Шухрат Боисович, Файзиева Нозима Нуриллаевна, Мамадалиева Ўлмас Ибрагимовна,

Туляганова Камола Абдурашидовна, Алимова Дилзода Ибрагимовна

Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников,  
Республика Узбекистан, г. Ташкент

### **ISSUES OF FORMING HEALTHY FAMILY VALUES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

Irgashev Shukhrat Boisovich, Fayzieva Nozima Nurillaevna, Mamadalieva Ulmas Ibragimovna, Tulyaganova Kamola Abdurashidovna, Alimova Dilzoda Ibragimovna

Center for the Development of Professional Qualifications of Medical Workers,  
Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz)

**Резюме.** Замонавий Ўзбекистонда оила институти, унинг жамиятдаги ўрни ва таъсир даражаси юқорила бормоқда. Айтши жсоизки, миллатимиз оила қадриятларини доимо баланд қўйған. Ушбу қадриятлар асосида минг йиллик ҳаёттий тажриба ва маъсулят жас бўлган. Бугунги ёшлар орасида жисмонан, руҳан ва ижтимоий жиҳатдан соглом оиласи шакллантириши замонавий тиббиёт ва таълим йўналишиларининг долзарб масаласидир.

**Калим сўзлар:** оила, саломатлик, шаклланниш, тиббиёт, таълим.

**Abstract.** In modern Uzbekistan, the Institute of the family, its place in society and the level of influence are increasing. That being said, Our Nation has always placed family values high. On the basis of these values, there were thousands of years of life experience and enlightenment. The formation of a physically, mentally and socially healthy family among today's youth is an urgent matter of modern medical and educational directions.

**Keywords:** family, health, formation, medicine, education.

**Кириш.** Жамиятнинг замонавий тараққиёт жараёни биздан ҳар томонлама етук ва баркамол, соглом ва илфор шахс бўлиш билан бирга мустақил Ўзбекистоннинг фаол аъзоси бўлишни талаб этади. Шунинг учун бугунги кун тиббиёти ва хусусан саломатлик билан шуғулланувчи тиббий валеология фанининг асосида ахоли орасида аввало ўз саломатлигига масъулият билан ёндошишга йўналтирилган ҳулк-атвор ҳамда соглом ҳаёт тарзи кўнгиларини шакллантириш ётади.

Хозирги кунда тиббий валеология ахолининг жисмоний ва руҳий саломатлигини баҳолаш услубларини ва саломатликни бошқариш, согломлаштириш дастурларини яратишга йўналтирилган. Мазкур жараён мунтазам

равища такомиллашиб, янги маълумотлар билан бойиб ниҳоят замонавий жамиятга зарур бўлган превентив тиббиёт йўналиши сифатида шаклланниб боради. Мавзуга якироқ қилиб айтганда: хусусий валеология мақсадли гурухлар орасида индивидуал ва оммавий таъсир этиш тамойиллари, стандартлар ва алгоритмлар орқали саломатликини бошқаришни таъминлайди.

Мақсадли гурухлар: ёш оила, ҳомиладор аёл, гўдак бола, болалар ва ўсмирлар, ёшлар, етук ва ўрта ёш, кекса ва қариялардир. Еттига мақсадли гурухлар қуйидаги таъсир этиш тамойиллари орқали ўрганилади: маънавий, руҳий, жисмоний ва тиббий. Санаб ўтилган тамойиллар

шахсга ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатиш имконини беради.

Сўнгра белгиланган мақсадли гурухда ҳар бир тамойилга хос стандартлар (мезон) кўриб чиқилади ва алгоритмлар тузилади, яъни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича аниқ механизмлар ва дастурлар яратилади.

Шунинг учун валеология асосини ташкил этувчи учта асосий йўналиш батафсил тушунтириб берилади: одамнинг индивидуаллиги, унинг резервлари ва организмнинг имкониятларини оширувчи ҳаёт тарзини шакллантириш.

Ҳаёт тарзини шакллантириш асосан қуидагилардан иборат:

Рационал овқатланиш, жисмоний фаол ҳаракатлар, психо-эмоционал ҳолат ва жинсий саломатлик. Асосий тамойилларни (маънавий, руҳий, жисмоний ва тиббий) мақсадли гурухларда кўллаш орқали индивидуал, гурухлар ва популяцион даражада самарали ҳаёт тарзини шакллантириш мумкин.

Хусусий валеологиянинг алоҳида бўлими хулқ-авторга таъсир этувчи омилларга бағишлиланган бўлиб, ичкиликбозлик, тамаки чекиш, гиёхвандлик, ОИВ/ОИТС каби муаммоларни ўз ичига қамраб олади.

Таъсир этиш тамойиллари. Стандартлар. Алгоритмлар. Инсон организми ўзининг ҳар томонлама индивидуал хусусиятларига эга бўлган яхлит бир тизим, шунинг учун шахсни ижобий шакллантириш (ҳаёт кўникмаларини ўзгартириш)га ҳам турлича қараш лозим. СТТШнинг турли ёндошувлари индивидуумнинг ҳаёт тарзини ҳар томонлама қамраб олади ва бунга қуидагиларни киритиш лозим: маънавий, руҳий, жисмоний ва тиббий тамойиллар. Фақат ана шундай ёндошувлар ҳар бир мақсадли гурухга аниқ стандартлар (мезонлар) ва уларни алгоритмлар орқали тизимли амалга ошириш, аҳолининг турли қатламларида самарали таъсир кўрсатиш имконини яратади.

Стандартлар – бу меъёрий кўрсаткичлар (этalon, модел) олдинги ҳолатга солиштириш учун, шу билан бирга тиббий ёрдамга кўйиладиган талаблар. Стандартларни кўллаш аҳоли орасида СТТни шакллантиришнинг ҳар қандай моделини яратишда унинг самарадорлигини оширади ва кўрсаткичларни ижобий томонга ўзгартиради.

Маънавий тамойил таъсир этишнинг энг асосийларидан бири ҳисобланади, факат маънавият орқали одамни камолотга етказиш ва ички дунёсини ўзгартириш мумкин.

Ҳар бир одам унинг жамиятдаги ўрни, муваффақиятлари, аввало унинг ўзига, билимiga ва саломатлигига масъулият билан қарашига боғлиқ эканини англаб этиши лозим.

Шунинг учун биринчи мақсадли гурух ёш оила мисолида тўртта саломатлик тамойилларига хос бўлган стандартларни кўриб чиқамиз.

Маънавий тамойилга хос бўлган стандартлар: маълумотга эга бўлиш (билим), масъулият, дунёкараш, умумий маданият, комилликка интилиш.

Руҳий тамойил ҳар бир одамнинг индивидуал таъсирчанлигини, сезги ва ҳиссиётларини аниқлайди, уни шакллантириш ва такомиллаштириш ҳаёт сифатини ҳамда давомийлигини таъминлайди. Шунинг учун ёш оила мисолида ушбу тамойилга хос стандартлар қуидагилардан иборат: сабр-бардош (чидамлилик), жонкуярлик, тартиб-интизом, эътиқод, виждон, иймон, хушмуомалалик.

Жисмоний тамойил - организмга бўладиган турли индивидуал жисмоний юкламаларни аниқлайди, булар болаликдан меъёрий тарзда шакллантирилиб, саломатликни мустахкамлашга йўналтирилган ҳолда мунтазам ва тизимли олиб борилиши керак. Ушбу тамойил СТТШда маънавий ва руҳий тамойиллар билан уйғунликда олиб борилади, шунинг учун асосий стандарти: Жисмоний баркамолликка интилиш ҳисобланади.

Тиббий тамойил ноинфекцион касалликларнинг хавфли омилларига қарши профилактик чора-тадбирлар билан бирга соғлом овқатланиш ва сексуал саломатлик муаммоларини кўриб чиқади. Шу билан бирга, ҳаёт тарзининг шакллантиришнинг энг асосий вазифаларидан бири ўз саломатлигига масъулият ҳисобланади, олдинги айтиб ўтилган барча тамойилларнинг стандартлари ҳам айнан шу мақсадга қаратилган.

Шунинг учун, ушбу тамойилда сўнгги натижани яъни ўз саломатлигига масъулият масаласининг ечимини топиш лозим.

Алгоритм – бу стандартларнинг таъсир этиш механизми. Алгоритмлар икки хил ёндошув билан амалга оширилади: популяцион- оила, жамият ва давлат миқёсида, мотивацион алгоритм - индивидуал ва гурух даржасида таъсир кўрсатиш. Популяцион алгоритмда таълим-тарбия жараёнлари аҳамиятга эга бўлса, мотивацион алгоритмда стандартлар самарали тарзда босқичма босқич шахсни ишонтириш ва хулқини ўзгартиришга йўналтирилади.

Мотивацион алгоритм босқичлари қуидаги тизимдан иборат: маълумот бериш – стандартни тушинтириб беради - бу нима?, сўнгра мотивация – бу нима беради?, ишонтириш – жараённи амалга ошириш учун нима халакит беради? билим – олинган маълумотни тафаккурда назарий жиҳатдан намоён бўлиши, кўникма – билимларни амалда кўллаш, хулоса босқичи: хулқинг ва ҳаёт тарзининг шаклланishi, ҳаёт сифатининг ортиши.

Мазкур жараёнга ўқитиш давр талабидан, ҳаёт заруратидан келиб чиқади, шу билан бирга

бу кўникмаларни ўзлаштириш оддий эмас, балки жиддий масъулият ва тизимли ёндошувни талаб этади. Республикада олиб борилаётган соғликни сақлаш тизимидағи замонавий ислоҳотлар даврида ҳар бир амалиёт шифокори ушбу билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим. Замонавий ёндошувларини қўллаганда мумтоз технологияларни ҳам ёдда тутиш керак, чунки улар иш самадорлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

**Адабиётлар:**

1. Иргашев Ш.Б. Валеология - превентив тиббиёт асоси. Дарслик. Тошкент, 2023 й.
2. Sh.B. Irgashev, NN. Fayzieva, U.I. Mamadaliyeva, "Creation of a national nid epidemiology management model in the republic of uzbekistan, mechanisms of effective prevention". Босма Asian Journal of Multi-dimensional Research ISSN: 2278-4853 Vol. 11, Issue 12, December 2022 SJIF 2022 = 8.179 A peer reviewed journal.
3. Иргашев Ш.Б, Файзиева НН, Мамадалиева У.И. "Ёш оила" мақсадли гурӯҳида соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришнинг валеологик тамоиллари Босма Сборник тезисов меж-

дународной конференции «Современные достижения и перспективы развития охраны здоровья населения», Ташкент- 2023 г.

**ВОПРОСЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЦЕННОСТЕЙ  
ЗДОРОВОЙ СКМЬИ В РЕСПУБЛИКЕ  
УЗБЕКИСТАН**

*Иргашев Ш.Б., Файзиева Н.Н., Мамадалиева У.И.,  
Туляганова К.А., Алимова Д.И.*

**Резюме.** В современном Узбекистане наблюдается высокий потенциал развития института семьи, повышается её роль и уровень влияния в обществе. Необходимо отметить, что наш народ всегда высоко ценил семейные ценности. Тысячелетний жизненный опыт и просвещение явились основой сформированных семейных ценностей. На сегодняшний день формирование физически, психически и социально здоровой семьи среди молодежи, является актуальной задачей современной медицины и просвещения.

**Ключевые слова:** семья, здоровье, формирование, медицина, образование.